
ЎЗ ОТАЛИК БУРЧНИ БАЖАРМАГАН ОТА..!!!

Мажбурий ижро бюросининг Данғара туман бўлими иш юритувидаги Фуқаролик ишлари бўйича Қўқон туманлараро судининг қарорига асосан қарздор А.Н.дан бир нафар фарзанди учун ундирувчи У.С га алимент пуллари қасддан тўламаётганлиги сабабли 2021 йилнинг октябрь ойида 4.140.600 сўм қарздорлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги Қодексининг 47⁴-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, Жиноят ишлари бўйича Данғара туман суди томонидан қарздор А.Нга нисбатан 15 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланган.

Лекин, қарздор шундан кейин ҳам ўз оталик бурчини хис этмасдан алимент тўловларини ўз вақтида амалга оширмаётганлиги сабабли унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 122-моддасига асосан жиноят иши қўзғатилиб, мазмунан кўриб чиқиш учун Жиноят ишлари бўйича Данғара туман судига юборилган зора қарздор ўз мажбуриятини суд залида хис этса.

Қадрли оталар ўз фарзандингиз таъминоти учун алимент тўловларини ўз вақтида тўлаб боришингизни сўраб қоламиз..!!!

Мажбурий ижро бюросинининг Данғара туман бўлими.

2022-05-26 08:25:18